

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИ
БАҲОЛАШ**

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ
таянч докторанти
Шукурбеков И.Б.

Аннотация. Республикаиздаги қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг меъёрий қийматини баҳолаш, ушибу ерлардан самарали фойдаланиши бўйича масалалари ёритилди.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, сугориладиган ерлар, мониторинг, муҳим, ҳар йили, иқтисодий, баҳолаш, жойлашган, унумдорлик, умумий объект, молия, ердан фойдаланиши.

Аннотация. Были освещены вопросы об оценка нормативной стоимости земель сельскохозяйственного назначения Республики и эффективного использования этих земель.

Ключевые слова: сельское хозяйство, орошаемые земли, мониторинг, важный, каждый год, экономический, оценка, местоположение, урожайность, общий объект, экономика, землепользование.

Annotation. The issues of assessing the standard value of agricultural lands in the Republic and the efficient use of these lands were covered.

Base words: agriculture, irrigated lands, monitoring, important, every year, economic, assessment, location, yield, general object, economy, land use.

XXI-аср бошидан буён Ер шаридаги мавжуд 13 млрд га ер майдонидан 1,5 млрд га (қуруқликнинг тахминан 10%) ҳайдалиб, дехқончилик қилинади. Ҳозир дунё бўйича ҳар йили 6-7 млн га унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги тасаррӯфидан чиқиб кетмоқда. Марказий Осиё минтақасида ер ресурсларининг энг қимматли муҳим қисми – суғориладиган ерлар ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, жаҳон бўйича 271,432 млн га,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Марказий Осиё минтақасида эса 6,8 млн га атрофида суғориладиган ерлар мавжуд [4].

Бу борада суғориладиган ерларнинг ҳозирги ҳолати, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва унда кечадиган салбий жараёнларнинг олдини олиш орқали самарали фойдаланиш ва муҳофазалаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади[5].

Ер – халқ бойлиги, қишлоқ ҳўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ер табиатнинг асосий компоненти бўлиб қолмасдан, у давлатнинг иқтисодий ўсишига ҳам таъсир кўрсатади. Демак, ер муносабатлари қадимдан энг долзарб масала бўлиб келган. Бу эса ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлиги ва иқтисодий самарадорлигини оширишда қишлоқ ҳўжалиги юритишнинг илмий асосланган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиша ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилишни талаб қиласди. Ер мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди, республикамизнинг иқтисодий салоҳияти учун моддий негиз яратади.

Бугунги кунда ерлардан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш масаласига давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келиняпти. Чунончи, Президентимиз Ш.Мирзиёев “Ҳар қарич ер - давлатнинг, демакки, халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ундан ноконуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ”[6] деб таъкидлаган эди.

Ер муносабатларини тартибга солишининг бош йўналиши ва тамойилларини белгиловчи энг муҳим қонуний ҳужжат 1998-йилнинг 30-апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ҳисобланиб, унда ерга нисбатан ниҳоятда тежамкорлик билан ҳўжалик муносабатида бўлиш иқтисодиётнинг барча соҳаларида ерни муҳофaza қилиш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси»нинг 44- моддаси бўйича Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

билин боғланган ерлар доимий ёки муваққат суғориши тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради[1].

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни баҳолаш хусусиятлари ушбу майдонлардан ўзига хос фойдаланиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, ер участкасининг нархига таъсир қилувчи энг муҳим хусусиятлар: жойлашуви, унумдорлиги ва тахминий фойдаланиш. Ернинг меъёрий қиймати кўплаб омилларга боғлиқ, лекин энг муҳим нарх омилларидан бири бу ернинг мақсади ва ундан рухсат этилган фойдаланишдир. Маълумки, мамлакатимизда барча ерлар одатда тоифаларга – аҳоли пунктлари ерлари, саноат ерлари, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар ва ўрмон ва сув фондлари ерларига бўлинади. Турли тоифадаги ерлар учун бозорлар ўз қоидаларига мувофиқ ривожланади ва шунга қўра, яқин атрофда жойлашган турли тоифадаги ерларнинг нархи сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни обьекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир. Тупроқшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ерларни баҳолашга оид маҳсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни баҳолашда унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер майдонлари бўлиб хизмат қилишига эътибор беришимиз керак.

Ернинг қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги асосий хусусияти - унинг унумдорлигидир. Ер майдонининг, аниқроғи тупроқнинг ўсимликларни унга зарур бўлган озуқа моддалари ва зарур намлик билан таъминлай олиш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади[7].

Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2014 йил 18 август 235-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалиги экин

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан ҳисобланади[3].

Низомда услубий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам бир қанча ўзгартиришлар киритилган бўлиб, уни биз қуида қўриб чиқамиз. Низомда кўрсатилишича, ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қиймати ягона ер солигини ҳисоблаб чиқиш учун ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда аниқланади.

Ер кодексининг 6-боб 43-моддасига қўра қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий режим обьекти сифатида уч томонлама ҳуқуқий хусусиятга эга:

- 1) ердан фойдаланишининг умумий ҳуқуқий режимига таалуқли умумий обект (ер фондининг бир қисми);
- 2) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун мўлжалланган маҳсус ҳуқуқий режим қоидаларига бўйсунадиган умумий обект (ер фонди ерлари тоифаси);
- 3) ер, молия, хўжалик, сув ва бошқа ҳуқуқ соҳалари қоидаларига бўйсунадиган бевосита обект (қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар).

Хулоса. Мустақиллик йилларида ерларни баҳолаш, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид қонунчилик ўзига хос йўлни босиб ўтиб мамлакатда ижтимоий иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохатларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш қишлоқ хўжалиги самарадориигини оширувчи орўнлардан ҳисобланади. Бунга эса аниқ бир жойнинг табиий ва иқтисодий шароитларини эътиборга олган ҳолда соҳада такомиллашган замонавий технологияларини қўллаш орқали эришилади.

Хорижий тажрибани ўрганиш илғор тажриба ва баҳолаш усуllibарини аниқлаш, уларни маҳаллий шароитга мослаштириш ва ер ресурсларидан

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, коррупсия хавфини минималлаштириш ва аҳолининг ер муносабатларига ишончини ошириш учун ерларни баҳолаш жараёнида жамоатчиликнинг кенг иштироки ва шаффоғлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Тошкент., Адолат, 1998 йил.
2. Ўзбекистон республикасининг солиқ кодекси (янги таҳрири) 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сон қарори. 2014 йил 18 август.
4. Абулкосимов Ҳ.П., Халимбетов А.О. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. - Тошкент: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2008. - 80-б.
5. Тураев Р.А. Суғориладиган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш: т.ф.д. (DSc) ... дисс. авторефарати.- Тошкент, 2021 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ.64 б.
7. А.Р.Бобоҷонов, Д.М.Камалова, С.Б.Ро'зибоев. “Ер кадастри” дарслик, 2-қисм ТАҚИ 2016. 2121 б.
8. www.lex.uz.